

Осиё бинти Мазоҳим (Мўмина малика)



17:00 / 17.02.2021 2741

Муборак ўғил

Бир кун Фиръавн туш кўрди: «Тушида бир ўт Байтул Муқаддасдан Мисргача ёниб келаётганди. Таъбирчиларнинг айтишларича, Бани Исроилдан бир бола туғилиб, Фиръавннинг бор мулкини хароб қилади».

Фиръавн Бани Исроилда туғилган барча гўдакларни сўйишга қарор қилди. Одамлар подшоҳга: «Бир йил қатл қилдир, бир йил қолдир, бўлмаса, Бани Исроил қирилиб кетади», дейишди. Подшоҳ кўнди. Кечирилган йили Хорун туғилди, қатл йили Мусо дунёга келди. Аллоҳ таоло болани сандиққа солиб, Нилга оқизишни онасига билдирди. Онаси худди шундай қилди. Сандиқ оқиб, Фиръавннинг қасрига яқин келди. Хотини Осиё сандиқни олдириб уни очиб, болани қўлига олди. Қалбига унинг муҳаббати тушди. Қаттиқ хурсанд бўлди. Билдики, бу бола мубораклидир.

Фиръавннинг териси оқариб қолган эди. Мусонинг қўлчаси билан Осиё терини силаб қўйган эди, Аллоҳнинг қудрати ила оқаргани кетди.

Орадан оз муддат ўтиб, подшоҳнинг аскарлари болани ўлдиришга фармон олганларини айтиб келдилар. Осиё: «Бу бола Бани Исроил эмас, бошқа ердан оқиб келди, мен ўзим бориб бу ҳақда подшоҳга арз қиламан», деди ва болани кўтариб шоҳнинг олдига борди. Шоҳ ҳузурига кириб: «Бу сенинг ва менинг кўз қорачиғимиз-ку», деди. Фиръавн: «Сенинг кўз қорачиғингдир, лекин менинг унга ҳожатим йўқ», деди. «Фиръавннинг хотини (унга): «(Бу бола) **мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни бола қилиб олсак», деди. Улар** (ўзларининг ҳалокатлари шу гўдак қўлида эканини) **сезмаган ҳолларида** (уни бола қилиб олдилар)» (Қасос сураси, 90ят).

Бир куни Осиё Мусо билан Фиръавннинг олдига келди ва уни шоҳ ҳузурига ташлаб чиқиб кетди. У ерда мажлис бўлаётганди. Мусо Фиръавннинг тиззасида ўтириб, соқолини юлиб олди. Ҳомон: «Шу бола сенинг мулкингни хароб қилади, сенга меросхўр бўлади, бунинг бобоси Иброҳим халилдир», деб Мусони ёмонлади. Фиръавн жаллодларни чақирди. Бу хабар Осиёга етиб келди ва тезлик билан шоҳ ҳузурига югурди ва: «Менга ҳадя қилган болани сўймоқчимисан!» деди. Фиръавн: «Соқолимни юлиб олди, мулозимларим: «Бу бола сенга меросхўр бўлади, қўлингдаги мулкингга эгалик қилади», дейишди», деди. Осиё: «Сен уларнинг сўзига ишонма! Бу бола ҳали ёш, ҳеч нарсанинг фарқига бормайди. Мен буни сенга исбот қилиб беришим мумкин!», деди. Фиръавн: «Қандай қилиб?!», деди Осиё: «Боланинг олдига чўғ билан гавҳар қўй. Агар гавҳарни олиб, чўғдан сақланса, билгинки, у ақл юритаётган бўлади. Агар чўғни олса, билгинки, ақлли кимса гавҳар турганда чўғни олмайди», деди. Фиръавнга бу гап маъқул бўлди. Сарой хизматчиларидан иккитасини чақириб, бирининг қўлига чўғ, иккинчисиникига гавҳар берди ва уларни боланинг олдига юборди. Жаброил алайҳиссалом Мусонинг қўлидан ушладилар ва чўғ устига қўйдилар, ҳатто у чўғни қўлида кўтариб оғзига солди, бундан тили куйди. Шу сабаб Мусо алайҳиссаломнинг нутқлари яхши, равон бўлмай қолган. Фиръавн буни кўриб: «Бу бола сўйилмасин», деди. Осиё хурсанд бўлиб болани олиб чиқиб кетди. Унга малика яхши тарбия берди, ёзиш ва ўқишни ўргатди. Мусо Осиёнинг фазилати билан худди подшоҳнинг ўғлидек ўсди. Аллоҳ шу ишларга сабабчи қилди. **«Қачонки, у вояга етиб, (ақли) тўлгач, Биз унга ҳикмат ва билим ато этдик. Биз чиройли амал қилгувчи кишиларни мана шундай мукофотлармиз»** (Қасос сураси, 14-

оят).

(Давоми бор)

«Мўминалар силсиласи» китобидан